

## IX. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК


2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 34 701 тани ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,1 % га ўсди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 6 360 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,9 % га кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода (34,0 фоиз), саноатда (33,4 фоиз), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалигида (12,4 фоиз), қурилишда (5,8 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматларида (3,5 фоиз), ташиш ва сақлаш хизматларида (2,6 фоиз) ташкил этди.



**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши  
(2020 йил январь-сентябрь ойларида, % да)**






Худудлар бўйича янги ташкил этилган  
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда

	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь	(+;-)
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>4 546</b>	<b>6 360</b>	<b>1 814</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон ш.	1 282	1 584	302
Хонобод ш.	138	110	-28
<i>туманлар:</i>			
Олтинкўл	209	323	114
Андижон	332	385	53
Балиқчи	174	368	194
Бўстон	157	254	97
Булоқбоши	149	267	118
Жалақудук	177	353	176
Избоскан	250	335	85
Улуғнор	81	144	63
Қўрғонтепа	235	320	85
Асака	371	580	209
Мархамат	259	289	30
Шаҳрихон	352	465	113
Пахтаобод	202	280	78
Хўжаобод	178	303	125

2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Андижон шаҳри (1 584 та), Асака (580 та), Шаҳрихон (465 та), Андижон (385 та), Балиқчи (368 та), Жалақудук (353 та) ва Избоскан (335 та) туманларида кузатилди. Энг паст кўсаткичлар Улуғнор тумани (144 та) ва Хонобод (110 та) шаҳрида қайд этилди.




**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
худудлар бўйича улуши,  
(2020 йил январь-сентябрь ҳолатига, фоиз ҳисобида)**



2020 йил январь-сентябрь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Андижон шаҳрида (24,9 фоиз), Асака (9,1 фоиз), Шахрихон (7,3 фоиз), Андижон (6,0), Балиқчи (5,8 фоиз), Жалақудуқ (5,6 фоиз), Избоскан (5,3 фоиз) туманларида, энг паст кўрсаткичлар эса Улуғнор тумани (2,3 фоиз) ва Хонобод шаҳрида (1,7 % ни) ташкил этди.




**Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик  
(бизнес) субъектларининг сони  
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда) январь-сентябрь ҳолатига**





**Худудлар бўйича 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик  
корхона ва микрофирмалар сони**  
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида, бирликда)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) худудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шаҳри (23,9 бирлик), Улуғнор тумани (21,9 бирлик), Хўжаобод тумани (16,4 бирлик), Бўстон тумани (15,0 бирлик), Хонобод шаҳри (14,0 бирлик), Асака тумани (12,6 бирлик), Балиқчи тумани (12,3 бирлик) ва Марҳамат тумани (11,9 бирлик)га тўғри келади.

Ўртача кўрсаткич оралиғида (10,8-9,7 бирлик) Қўрғонтепа, Жалақудук, Олтинқўл, Андижон ва Пахтаобод туманларига тўғри келади.


Шаҳрихон (8,8 бирликда), Булоқбоши (8,8 бирликда) ва Избоскан (8,0 бирликда) туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,0 бирликда бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида 11,7 бирликни ташкил этган. 2020 йилда бу кўрсаткич 12,9 бирликни ташкил етди. Бу эса, 2018 йил кўрсаткичидан 0,9 бирликга кўп демакдир.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган  
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь	(+;- )
<b>Жами</b>	4546	6360	1814
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	181	788	607
<b>Саноат</b>	1248	2124	876
<b>Қурилиш</b>	493	369	-124
<b>Савдо</b>	1772	2161	389
<b>Ташиш ва сақлаш</b>	171	165	-6
<b>Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар</b>	257	226	-31
<b>Ахборот ва алоқа</b>	76	92	16
<b>Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар</b>	95	107	12
<b>Бошқа фаолият турлари</b>	253	328	75

***Маълумот учун:** 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўп салмоғи, бирликда:*





Худудларнинг жами маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши  
(2020 йил январь-сентябрь ҳолатига, % да)

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Чакана савдо	Инвестиция
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>17,5</b>	<b>92,8</b>	<b>66,7</b>	<b>88,1</b>	<b>69,5</b>
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон ш.	20,7	93,0	39,7	70,5	58,5
Хонобод ш.	13,1	99,9	95,5	85,2	85,3
<i>туманлар:</i>					
Олтинқўл	52,6	97,5	95,7	95,2	47,9
Андижон	68,1	86,5	92,5	85,4	75,0
Балиқчи	42,1	91,2	97,1	94,1	72,0
Бўстон	65,6	97,1	93,2	92,6	53,1
Булоқбоши	100,0	100,0	95,4	96,7	89,4
Жалақудук	77,3	83,3	96,6	96,9	81,6
Избоскан	91,3	100,0	95,3	96,9	65,2
Улуғнор	57,7	64,8	97,1	98,1	87,2
Қўрғонтепа	41,1	74,6	97,0	98,2	80,1
Асака	1,9	100,0	93,9	95,9	39,5
Марҳамат	61,1	100,0	98,3	97,1	79,8
Шаҳрихон	84,1	100,0	97,2	98,5	87,7
Пахтаобод	59,2	100,0	96,4	96,6	91,2
Хўжаобод	61,5	100,0	95,4	98,7	83,0


Худудлар бўйича кичик бизнеснинг юқори улуши саноат соҳасида Булоқбоши (100,0 %), Избоскан (91,3 %), Шаҳрихон (84,1 %) ва Жалақудук (77,3 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурилиш соҳасида Булоқбоши, Избоскан, Асака, Марҳамат, Шаҳрихон, Пахтаобод ва Хўжаобод туманлари (100,0 %) ҳиссасига тўғри келди.


Хизматлар соҳасида Марҳамат (98,3 %), Шаҳрихон (97,2 %), Балиқчи (97,1 %) Улуғнор (97,1 %), Қўрғонтепа (97,0 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4 568,3 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 17,5 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 104,5 % ни ташкил қилди;
- 4 924,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 69,5 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 103,7 % ни ташкил қилди;
- 2 917,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,8 фоизи) бажарилди ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 101,8 % га тенг бўлди;
- Чакана товар айланмаси ҳажми 8 982,9 млрд. сўмни (жами чакана товар айланмаси ҳажмининг 88,1 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 97,9 % ни ташкил қилди;
- 176,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 43,7 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 209,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 13,1 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.



**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари  
маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик  
тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)





Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да  
саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми  
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида)





Худудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Андижон шаҳар (845,6 млрд. сўм), Шахрихон (433,5 млрд. сўм), Избоскан (423,3 млрд. сўм), Андижон (406,1 млрд. сўм) ва Хўжаобод (320,1 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Бўстон (135,4 млрд. сўм), Хонобод (126,2 млрд. сўм) ва Улуғнор (90,8 млрд. сўм) туманларида ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.





**Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда  
кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши, % да  
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида)**




Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг (бизнес) жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улушини Булокбоши тумани (100,0 %), Избоскан тумани (91,3 %), Шаҳрихон тумани (84,1 %), Жалақудук тумани (77,3 %), Андижон тумани (68,1 %) ва Бўстон (65,6 %) туманларида ташкил этди.

Асака туманида (1,9 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда.




Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик(бизнес)да  
чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати, % да  
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида)



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Андижон шаҳар (2 217,3 млрд. сўм), Шаҳрихон (1 273,3 млрд. сўм), Асака (1 007,9 млрд. сўм), Қўрғонтепа (720,4 млрд. сўм) ва Хўжабод (648,4 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келди.



## Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати (2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида)




Худудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Андижон шаҳрида 958,1 млрд. сўм (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 101,4 %), Андижон тумани 406,9 млрд. сўм (100,5 %), Шаҳрихон тумани 242,9 млрд. сўм (103,5 %), Пахтабод 148,5 млрд. сўм (125,8 %) ҳамда Марҳамат тумани 144,1 млрд. сўм (103,7 %) қайд этилди.





Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да  
хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати  
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида)




Худудлар бўйича энг кўп хизматлар ҳажми Андижон шаҳри – 1 690,7 млрд. сўм (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 93,4 %), Асака тумани 404,5 млрд. сўм (110,7 %), Шахрихон тумани 400,1 млрд. сўм (104,5 %), Андижон 368,1 млрд. сўм (105,1 %) ва Балиқчи 357,0 млрд. сўм (103,4 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.



2020 йилнинг III чорак якунларига кўра янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти кузатилди, унда иқтисодий фаолият турлари бўйича 188 та респондентлар қатнашди. Шундан саноат корхоналари - 61 та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонининг 32,4 %), қурилиш – 11 та (5,9 %), савдо – 67 та (35,6 %), хизматлар – 29 та (15,5 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 20 та (10,6 %) ни ташкил этди.



**Кузатувда иштирок этган янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, % да**




Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви маълумотларига кўра, 2020 йилнинг III чорагида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган корхоналар улуши қурилиш корхоналарида 9,7 пунктга, савдо соҳасида 1,6 пунктга ошди. Аксинча қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 25,0 пунктга, саноат корхоналари 10,1 пунктга, хизматлар соҳаси 2,3 пунктга пасайиши кузатилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг III чорагида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолайдиган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 40,0 пунктга, саноат корхоналарида 40,5 пунктга, хизматлар соҳасида 0,2 пунктга ошди. Аксинча қурилиш корхоналарида 9,7 пунктга, савдо соҳасида 3,9 пунктга пасайиши кузатилди.

Жорий йилнинг III чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолайдиган корхоналар улуши савдо соҳасида 2,3 пунктга, хизматлар соҳасида 2,1 пунктга ошди. Аксинча қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 15,0 пунктга, саноат корхоналарида 30,4 пунктга пасайиши кузатилди.



**2019-2020 йиллар III чорагидаги янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий вазиятини баҳолаш, % да**



Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви натижаларига кўра, 2020 йилнинг III чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, яқин уч ой ичида иқтисодий вазиятни яхшилашга ишонган корхоналар улуши барча фаолият турлари бўйича камайиши кузатилди.

Шунингдек, ўтган йил билан таққослаганда, яқин уч ойдаги иқтисодий вазият ўтган йилга нисбатан ўзгармайди деб ҳисоблаган корхоналар улуши барча фаолият турлари бўйича ўсиши кузатилди.

Яқин келажакда иқтисодий вазиятни ёмонлашишини баҳолаган корхоналар улуши хизматлар соҳасида 4,8 пунктга камайиши кузатилди.



**2019-2020 йиллар III чорагидаги янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин уч ойда иқтисодий вазиятини баҳолаш, % да**

